

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАЙДАРОВА ГУЗАЛ БАГИДДИНОВНА

**ЧАККА- ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ОСТЕОАРТРОЗИНИНГ
НУР ТАШХИСИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Хайдарова Гузал Багиддиновна

Чакка- пастки жағ бўғими остеоартрозининг

нур ташхиси.....3

Хайдарова Гузал Багиддиновна

Лучевая диагностика остеоартроза височно-нижне

челюстного сустава25

Khaydarova Guzal Bagiddinovna

Radiology of temporomandibular joint osteoarthritis47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАЙДАРОВА ГУЗАЛ БАГИДДИНОВНА

**ЧАККА- ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ОСТЕОАРТРОЗИНИНГ
НУР ТАШХИСИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Tib495 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжибеков Марат Худойкулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Икрамов Адхам Ильхамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Дадамов Ашот Данилович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарканд Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.)

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Н. Абдихакимов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Чакка- пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) организмдаги барча суякли қисмлар орасида алоҳида ўринни эгаллайди. Ушбу патологиялар тузилмасида етакчи ўринни деформацияланувчи артроз эгаллайди. Бу полиэтиологик касаллик ҳисобланиб ва уни юзага келиши қоидасига кўра ҳам эндоген, ҳам экзоген омиллар сабабчидир. Остеоартроз(ОА)– ёшга боғлиқ касаллик бўлиб, ЖССТнинг маълумотларига кўра «...65 ёшдан юқори бўлган кекса ёшлиларнинг 25% ушбу касаллик туфайли бўғимдаги дисфункция ва оғриқлардан азият чекади...»¹. Чакка-пастки жағ бўғимининг остеоартрози, қатор муаллифларнинг келтирилган маълумотларига кўра «... 9 ёшдан 90 ёшгача 28% дан 38%гача ўзгариб туради, касалланиш ёшга боғлиқ ҳолда ортиб боради...»². Остеоартроз-механик ва биологик сабаблари натижасида ривожланувчи бўғимларнинг мультиомилли сурункали ривожланувчи касаллиги бўлиб, «...бўғим тоғайи ва субхондрал суякдаги хондроцитлар синтези ва деградацияси ўртасидаги меъёрдаги муносабатларни турғунсизлантиради. ОА бўғим тўқимасини фаолиятининг бузилиши билан тавсифланиб, бўғимнинг дегенератив ҳолати ва қуйида турувчи субхондрал суякларни ремоделирланиши каби белгиланади...»³. ЧПЖБ патологияларини ташхислашда етакчи ўринни чакка-пастки жағ бўғимини транскраниал рентгенография, компьютер томография, магнит-резонанс томография каби нурли текшириш усулларида фойдаланиб текширишга таълуқлидир.

Жаҳонда чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозининг нур ташхисотини самардорлигини оширишни такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада остеоартрозда чакка-пастки жағ бўғимидаги суяк ва юмшоқ тўқима ўзгаришларини баҳолашда рентгенологик, компьютер томография ва магнит-резонанс томография мезонларини асослашдан иборат. Чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозини бирламчи ва аниқлаштирувчи ташхислашда визуализациянинг турли усуллари ташхисий маълумотлилигини қийслаш, рентгенография, компьютер томография ва магнит-резонанс томография маълумотлари бўйича касалликнинг босқичига боғлиқ ҳолда чакка-пастки жағ бўғимининг миқдорий параметрларини баҳолаш ҳамда чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозини оғирлик даражасини баҳолаш ва ташхислаш учун

¹ Ahmad M, Hollender L, Anderson Q, Kartha K, Ohrbach R, Truelove EL, et al. Research diagnostic criteria for temporomandibular disorders (RDC/TMD): development of image analysis criteria and examiner reliability for image analysis // Dentomaxillofac. Radiol. -2011. - Vol.40. - P.67-75

² Алсынбаев, Г. Т. Вторичные смещения нижней челюсти и их коррекция у пациентов пожилого возраста с полным отсутствием зубов при повторном протезировании // Стоматология. - 2014. - № 5. - С. 25-30. ³Milam SB. Pathogenesis of degenerative temporomandibular joint arthritides. Odontology. – 2017. – Vol. 93, №7. – P. 15.

³ Чичасова Н.В. Патогенетическое лечение остеоартроза // Consilium-Medicum. - 2007. – Том 9, №8. - С. 112-117.

визуализация усуллари кўллаш алгоритмини ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида чакка-пастки жағ бўғими турли касалликларни тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар турли жароҳатларда жағ соҳасининг турли жароҳатларни камайтириш, аҳоли орасида профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни кўллашни такомиллаштириш орқали жағ соҳасининг жароҳатларни турли нуқсонларни хавф омилларининг асоратлари натижасида юзга келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилиш даражаси. ЧПЖБнинг остеоартрози клиник ва рентгенологик белгилар билан намоён бўлади. Клиник жиҳатдан ЧПЖБ ОА чакка-пастки жағ бўғими соҳасининг оғриқлилиги, оғизни очиб ёпиш ҳаракатларини ва ён ҳаракатларни оғриқ билан бирга келиши, ғичирлаш ҳамда крепитация кўринишида намоён бўлади. Бўғимнинг юмшоқ тўқимали тузилмалари рентгенологик дифференциацияланмайди ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида фақат билвосита белгилар, масалан, бўғим тоғайини емирилиши ва дегенерацияси тўғрисида билвосита гувоҳлик берувчи бўғим ёриғини торайишини рентгенограммада аниқлаш бўйича фикр юритиш мумкин. Шунингдек, ЧПЖБни мия асосининг яқинида жойлашганлиги,

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

элементлар таркибининг турли зичликда бўлиши билан боғлиқ холда ЧПЖБни рентгенологик текширишнинг маълум қийинчиликлари ҳам мавжуддир. ЧПЖБда суяк тузилмаларининг ўзгариши КТда яхши акс эттирилади ва компьютер томографияси ЧПЖБни визуализация қилишда афзал усул бўлиб ҳисобланади. ЧПЖБ патологиясини ташхислашдаги КТнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: фақат битта аксиал проекциялар асосида (реконструктив тасвир) барча сатҳлар бўйлаб суяк бўғимлари юзаларининг шакллари тўлиқ тикланади; ўнг ва чап томонлар бўйлаб ЧПЖБ тасвирининг бир хиллиги таъминланади, аниқ ва проекцион бузилишлар мавжуд эмас; чайнов мушакларини ўрганиш мумкин; тасвирни ҳар қандай вақтда юзага чиқариш мумкин, бўғим тўқималари, мушаклар қалинлигини ўлчаш ва уларни икки томондан баҳолаш мумкин. КТни бошқа радиологик усуллар билан солиштирилгандаги энг асосий камчилиги, бу нурланишни юқори экспозицион дозаси ва тан нарҳининг юқорилигидир. Шунинг учун ЧПЖБ ни текширишда кўпинча конус-нурли КТ усулига мурожаат қилинади, у беморни сезиларли кам дозада, юқори даражада рухсат этилиш билан ЧПЖБ ни мультипланар реконструкциясини таъминлайди (Larheim TA, Abrahamsson AK, 2015). ЧПЖБ касаллигини нурли ташхислашни энг мукамал ва самарали усулларида бири бўлиб магнит-резонанс томографияси ҳисобланади, бу усул юз-жағ соҳасидаги ҳам суякли, шунингдек ва айниқса юмшоқ тўқимали тузилмаларни ҳамда улардаги патологик ўзгаришларни кузатишга, артроз ва синовитни ишончли ташхислашга имкон беради (Baba IA, Najmuddin M, Shah AF 2016). МРТ ёрдамида бўғим диски, диск орти ёстикчаси, ташқи қанотсимон мушакларни бирикмалари, каби ЧПЖБ нинг юмшоқ тўқимали тузилмалари яхши аниқланади, МРТ дискларни сурилишини шунингдек, унинг деформациясини ташхислаш имконини беради, бу эса ЧПЖБ ОАнинг даражаси учун муҳим мезон бўлиб ҳисобланади (Bag AK, Gaddikeri S, Singhal A, Hardin S, 2014). Адабиётларда ЧПЖБ остеоартрозини МРТ усули билан ўрганишга бағишланган нашрлар жуда озчиликни ташкил этади (Sano T, Westesson P.L. 2000). Бироқ мавжуд бўлган нашрларда ҳам ЧПЖБ нинг деформацияланувчи остеоартрози етарли бўлмаган аниқликдаги МРТ семиотикаси берилган; деформацияланувчи остеоартрозни босқичини аниқлашда МРТнинг мезонлари очиб берилмаган.

Ўзбекистонда чакка-пастки жағ патологияларнинг ультратовуш ва магнит-резонанс томографик усулда баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган (Е.А.Кукушкина, 2004); бироқ, чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозининг нур ташхисотининг самарали баҳолаш тартиби ўрганилмаган.

Кўрсатилган вазифаларни ҳал этишда янада юқори истиқболга эга бўлган қарор бўлиб мультимодал кузатишлар ҳисобланиши мумкин, бунда рентгенологик текширишлар ва КТга қўшимча равишда ташхисни аниқлаштиришдаги қўшимча восита сифатида МРТ қўлланилади. Аммо ушбу йўналиш ўрганишларни талаб этади, чунки ЧПЖБ ОАни ташхислашда КТ в МРТ, томографик кузатиш усуллари мажмуавий қўллашнинг аҳамиятини

умумлаштириб баҳолаш билан олиб борилган илмий ишлар амалий жиҳатдан мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг 011400196 «Атроф-муҳит омилларини ҳисобга олиб асосий стоматологик касалликларининг эрта ташхисоти, даволаш ва профилактикаси усулларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рентгенологик, компьютер томография ва магнит-резонанс томография текширишларни қўллаш билан мультимодал визуализация асосида чакка-пастки жағ бўғимидаги суяк, юмшоқ тўқима ўзгаришларни баҳолаш йўли билан чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозини нури ташхислашни яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

остеоартрозда чакка-пастки жағ бўғимидаги суяк ва юмшоқ тўқима ўзгаришларини баҳолашда рентгенологик, КТ ва МРТ мезонларини баҳолаш; чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозини бирламчи ва аниқлаштирувчи ташхислашда визуализациянинг турли усулларини ташхисий маълумотлилигини қиёслаш;

рентгенография, компьютер томография ва магнит-резонанс томография маълумотлари бўйича касалликнинг босқичига боғлиқ ҳолда ЧПЖБ нинг миқдорий параметрларини баҳолаш;

чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозини оғирлигини баҳолаш ва ташхислаш учун визуализация усулларини қўллаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозига шубҳа қилинган 86 нафар беморлардан (172 та бўғим), назорат гуруҳи бўлиб эса контралатерал соғлом бўғимлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида остеоартроз белгилари бўлган чакка-пастки жағ бўғими олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда рентгенографик, компьютер томографик ва магнит-резонанс томографик ва статистик усуллар фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозини ташхислашда касалликнинг эрта белгиларини баҳолашда магнит-резонанс томографиянинг, кечки белгиларини баҳолашда эса рентген ва компьютер томографияни қўллаш асосланган;

субхондрал склероз, субхондрал киста ва эрозив ўзгаришларни ташхислашда компьютер томографияга нисбатан магнит-резонанс томография қўллашнинг ўзига хос бўлган афзаллиги исботланган;

чакка-пастки жағ бўғими бошчаси ва бўғим ёриғи олд-орқа ўлчамининг ошиши ва баландлигининг камайиб бориши касалликнинг ривожланиши босқичига боғлиқ эканлиги исботланган;

чакка пастки жағ бўғими остеоартрози клиник белгилари сакланиб қолганида МРТ текширувини, клиник белгилари ҳамда юз ассметрияси кузатилганда МСКТ текширувини ўрни ва аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

турли оғирликдаги чакка-пастки жағ бўғимларни остеоартрозда беморларини рентгенография, компьютер томография ва магнит-резонанс томография усуллари билан текширишни ҳисобга олган ҳолда бирламчи ташхислашнинг такомиллаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган;

текширишни ташхислаш комплексини оптималлаштириш ва даволаш тактикасини танлаб олиш, МРТ усули касалликни рентген негатив фазасидаёқ бўғим диски патологияси билан чакка-пастки жағ бўғимларни ички бузилишлар белгиларини аниқлашга имкон берган;

чакка-пастки жағ бўғимларни остеоартрози ўз вақтида ташхислаш, оғизни очиш ва ёпиш функционал синамасини қўллаш билан МРТ, репозициясиз ёки репозиция билан диск сурилишини аниқлаш учун чакка-пастки жағ бўғимларни остеоартрозда ташхисини яхшиланган;

чакка-пастки жағ бўғимларни остеоартрозда бош юз соҳаси (БЮС) асимметрияси бўлган беморларда МСКТни қўллаш, нафақат бўғим элементлари ҳолати тўғрисида балки БЮСнинг йўлдош асимметрияси оғирлик ҳолати тўғрисида ҳам маълумотлар берган;

даволаш тактикасини модификациялаш, таклиф этилган усуллар нурли ташхислашга энг оқилона ёндошувни танлаб олиш имкониятини берган;

қисқа муддатларда чакка-пастки жағ бўғимларни остеоартрознинг оғирлик даражаси ва тузилмасини аниқ белгилашга имкон яратган ва нурланишни камайтиришга сабаб бўлган;

реабилитация муддатини қисқартирган ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги илмий ишда назарий ёндошувлар ва усуллар, услубий жиҳатдан тўғри бўлган амалий тадқиқотлар, беморлар сонининг етарлилиги, олинган маълумотларни замонавийлиги, бир-бирини тўлдирувчи рентгенографик, компьютер томографик ва магнит-резонанс томографик ва статистик усулларни қўллаш, шунингдек, чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозининг нур ташхислаш тартибини маҳаллий ва хорижий олимлар олиб борган тадқиқотларнинг тасдиқланган натижалари билан қиёслашни қўллаш билан тасдиқланди, хулоса ва олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг натижаларнинг илмий аҳамияти олинган натижалар радиология, ревматология, стоматологик жарроҳлик, жумладан ЧПЖБ ОАни бирламчи ташхислашда рентгенографияга қўшимча равишда МСКТ ва МРТни қўллаш йўли билан жағ-юз соҳаси патологияларини нурли ташхислашдаги замонавий ютуқларга ўзининг сезиларли хиссасини қўшиши, очилган ва юмилган жағларда МРТ визуализация усулини жорий этиш ёрдамида бўғимлардаги эрта дегенератив ўзгаришларни аниқлаш имконияти ўрнатилди. Мазкур

функционал синама якуний МРТнинг бир хил бўлмаган натижаларида тавсия этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий ахамияти ишлаб чиқилган ташхисий алгоритм ЧПЖБ ОА ни ташхислаш самарадорлигини оширади ва шу билан стоматологик жарроҳликда даволаш усуллари танлаб олишни оптималлаштириш, пастки жағлар гипоплазияси билан хасталанган беморларда чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозининг визуализацион белгилари аниқланиб, уларни даволаш босқичларини самарали режалаштиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозининг нур ташхиси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Чакка- пастки жағ бўғими яллиғланиш ва дегенератив касалликлари ташхисотини алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 3декабрдаги 8н–д/330–сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома чакка -пастки жағ бўғими остеоартроз касаллигида бўғимларнинг яллиғланиш ва дегенератив касалликларни самарали ташхислаш ва даволаш имкон берган;

Чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозининг нур ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент Давлат стоматология институтининг клиникаси даволаш-маслаҳат поликлиникаси хизмати ҳамда Фарғона вилоят стоматология шифохонаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 8н–д/330–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши чакка-пастки жағ бўғимини магнит-резонанс томографик ташхислаш натижасида бўғимнинг юмшоқ тўқималари тузилмаларини кўриш қобилияти, суякдаги ўзгаришларни аниқлашда рентгенографиянинг устунлиги, бўғим юзаларида эрозияларини аниқлаш, бўғим юзаларида эрозияларини аниқлашда МРТнинг ташхислаш аниқлиги 83,3%, рентгенографияда эса 70,3% ни, остеофитлар ташхислашда 78,3% ва 78,8% ларга нисбатан 96,7% ва 91,6% ни кўрсатиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чакка-пастк жағ бўғимлари остеоартрози ташхислашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган бўлиб, жумладан унда чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозининг этиопатогенези тўғрисидаги замонавий маълумотлар, клиник кўринишларнинг баёни, ташхислашнинг лаборатор усуллари, чакка-пастки жағ бўғими артрози ташхислашни нурли усуллари тақдим этилган. Келгусида тадқиқ қилишни талаб этадиган масалаларга урғу берилган.

Диссертациянинг «**Чакка-пастк жағ бўғимлари остеоартрози ташхислаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва тадқиқотда қўлланилган махсус усуллар баёни берилган. Ишнинг асосига 86 нафар ЧПЖБ дисфункцияси бўлган беморларни клиник-рентгенологик, КТ, МРТ текшириш мажмуасининг натижалари қўйилган, беморларнинг ёши 19 дан 67 ёшгача бўлиб, улардан 61 нафари аёллар ва 26 нафари эркеклардир. Бир томонлама шикастланиш 53 нафар беморда аниқланган бўлса, икки томонлама шикастланиш 33 нафар беморда кузатилди. Барча текширилганлар 2017 йилдан 2019 йиллар орасида Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент Давлат стоматология институти клиникалари юз-жағ жарроҳлик бўлимларида амбулатор кузатиш ва стационар шароитда даволанишда бўлган беморлардир. Барча 86 нафар беморда ўтказилган комплекс текшириш натижалари бўйича босқичи, давомийлиги ва ҳ.к.ларга кўра таснифланиш билан ЧПЖБ остеоартрози ташхиси қўйилди.

Чакка-пастки жағ бўғими рентгенографияси. Беморлар “Titan 2000” рақамли рентгенография аппаратида текширишдан ўтказилди. Рақамли рентгенографияни барча 86 нафар беморларда (100%) бажарилди, улардан 61 нафар аёллар ва 25 нафар эркеклардир. Чакка суяги тузилмасини қаватланишини олдини олиш учун текширилувчини оғзини очган ва ёпган ҳолатида қийшиқ-кўндаланг проекцияси ўтказилди.

Ёнбош проекциялардаги суратларда бўғимнинг латерал аспектлари яхши кўринади, аммо бунда марказий ва медиал қисмлар аниқ кўринмайди чунки рентген нурлари бўғим юзаси орқали тангенциал ўтмайди текширишнинг камчилиги шу билан қопланиб кетадики, суякдаги эрта ўзгаришлар айнан бўғимнинг латерал қисмларида юзага келади. Олд-орқа проекциялар бўғим бошчасининг медиал ва марказий бўлимларини кўриш учун қўлланилди. Бу

суратлар скрининг бўлиб ҳисобланади, аммо бўғимдаги юмшоқ тўқима ўзгаришларини аниқлаш учун фойдали бўлиб ҳисобланмайди.

Чакка пастки-жағ бўғимларини мультисексмали компьютер томографияси. ЧПЖБ ни мультисексмали спирал компьютер томографияси 6 сексмали аппарат (Siemens)- да бажарилди. Бунда сканирлаш параметрлари қуйидагилар бўлди: трубкадаги токнинг кучи-20мА, трубкадаги кучланиш - 130 kV, трубка ротациясининг тезлиги -1,0с, питч-0,85, секса қалинлиги-1,25 мм. Тасвирлар суяк (2200/200HU) ва юмшоқ тўқима (350/35HU) дарчаларида қайта шакллантирилган. Постпроцессингли таҳлил суяк ва юмшоқ тўқима элементларини аниқлаш учун коронал, сагитал-қийшиқ тасвирларни олиш билан бирга мультисексмали реконструкцияни (МПП) ҳам ўз ичига олган. Шунингдек жарроҳлик усули билан даволаш режалаштирилганда 3D реконструкция ҳам қўлланилди.

Қайд этилган тартибда ЧПЖБ МСКТда нурнинг юкламаси 2 мЗвни ташкил этди.

Чакка- пастки жағ бўғимларини магнит-резонанс томографияси. Магнит-резонанс томография (МРТ) ЧПЖБ ОАли 30 нафар беморда Magnetom Open (Siemens)- 0,2Т ва Phillips Ingenia-1,5 Т томографида ўтказилди, улардан 16 нафарни аёллар ва 14 нафарни эркеклар ташкил этди. Текширишлар бошга ўрнатилган махсус радиотўлқинли симли ғалтакни қўллаш билан беморни ётган ҳолатида, оғиз 25 мм гача очиқ ва ёпиқ ҳолатда ўтказилди. ЧПЖБ ни текшириш ҳар икки томонда пастки жағ бошчасига перпендикуляр кўндаланг сагитал юзаларда, муаллақ кетма кетликда Т1 ва Т2 тартибда коронар ва аксиал проекцияларда олиб борилди.

Текшириш бошида аксиал сканлар амалга оширилди. Қийшиқ сагитал юзаларда сканирлашни режалаштириш учун жағнинг ҳар икки бошчаси кўриниб турган тасвирлари танлаб олинди. Сканирлаш юзалари бўғим бошчаларига перпендикуляр ўрнатилди. Томограммалар сони бўғимни барча ҳажмини кўриниб туришини таъминлаш учун индивидуал танлаб олинди.

Бўғим бўшлиғидаги суюқлик Т2* ва PD муаллақ тасвирларда яққол кўриниб турди. Т1 муаллақ тасвирларда бўғим бўшлиғидаги суюқлик ишончли аниқланмайди.

Олинган натижаларни статистик таҳлили вариацион статистика усуллари ёрдамида ўтказилди. Олинган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти ўртача катталиклар билан таққосланиб Стьюдент мезони бўйича аниқланди (t) ва бунда хатоликлар эҳтимоли ҳисобланади (P) ва статистик белгилар ўзгариши учун ишончлилиқ даражаси қабул қилинди (Фишер критерийси).

Диссертациянинг «**Чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозини рентгенологик ташхислаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозини рентгенологик кўринишлари ҳақида маълумотлари келтирилган.

Рентгенологик текширишлар ЧПЖБ ОА билан оғриган барча 86 нафар беморда ўтказилди. 172 нафар бўғимнинг 134 нафари рентгенограммасида ўзгаришлар аниқланди. ЧПЖБ ОА рентгенограммасида бўғим ёриғини нотекис торайиши, пастки жағ бўғим бошчасининг ва бўғим чуқурчасининг


субхондрал эрозияси, бўғим бошчасининг субхондриал склерози, бўғим бошининг яссислашуви ва субхондрал кисталар намоён бўлади.

Бўғимдаги бу ўзгаришлар турли сонларда учради. Энг кўп кузатилган ўзгариш бўғим бошчасининг яссиллашуви бўлди (134 бўғимдан 101 нафарида ёки 75,3%), кейинги ўринни бўғим ёриғини торайиши эгаллади (134 бўғимдан 51 нафарида ёки 38,05%), четки суякларни ўсиб кетиши (остеофитлар) 40 нафар бўғимда ёки 29,8% ҳолатда, субхондриал склероз 33 нафар бўғимда ёки 24,6% ҳолатда, четки суяк эрозиялари 23 бўғимда ёки 17,1% ҳолатда, субхондрал кисталар жами бўлиб фақат 8 бўғимда ёки 5,9% ҳолатда ўз ўрнига эга бўлди.

ОАнинг алохидалашган кўринишдаги ягона рентгенологик белгиси сифатида бўғим юзаларининг яссиллашуви 6 нафар (4,5%) бўғимларда қайд этилди, 46 нафар (34,3%) бўғимларда иккита радиологик белгиларни бирга келиши кузатилди, 51 нафар (38,1%) бўғимларда эса учта белгини бирга келиши ва 31 нафар (23,5%) бўғимларда эса тўртта белгини бирга келиши аниқланди. Бунда беморларнинг ёши эмас, балки касаллик давомийлигини ортиб бориш даражаси бўйича ОАнинг кўплаб радиологик белгиларини бирга келиши ва сонини ортиб боришини аниқ тенденцияси аниқланади.

Шуни таъкидлаш қизиқки, касалликни биринчи йилида остеоартроз фақат битта рентгенологик белги-бўғим юзаларининг яссиллашуви билан намоён бўлади, иккинчи йилга келиб иккита белги-одатда бўғим юзаларининг яссиллашуви ва бўғим ёриғини торайиши билан, учинчи йилга келиб эса энди бўғим юзаларининг яссиллашуви, бўғим ёриғининг торайиши ва четки ўсимталарнинг шаклланиши ҳам кузатилади.

Диссертациянинг **«Чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозини компьютер томографиянинг ташхислаш натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозини компьютер томографик кўринишлари ҳақида маълумотлари келтирилган. ЧПЖБ ОА га шубҳа қилинган барча 86 нафар беморда компьютер томография текшируви бажарилди. 86 нафар беморда ўтказилган КТ текшириш натижалари 172 бўғимдан 150 нафарида (87,2%) суякдаги ўзгаришларни кўрсатди. Улар бошчасида ёки гленоид чуқурчада ва бўғим бўртиғида кузатилди. Бир томонлама шикастланиш 60 нафар (40%) беморда қайд этилди, улардан 26 нафари (43,3%) да ўнг томонлама шикастланишлар, 34 нафарида (56,7%) чап томонлама шикастланишлар кузатилди. Икки томонлама шикастланишлар 45 нафар беморда -90 бўғимда кузатилди, 22 нафар бўғим соғлом бўлиб, уларда артроз белгилари аниқланмади. ЧПЖБ остеоартрози КТ тасвирларда қуйидаги ўзгаришлар кўринишида намоён бўлди: Барча йўналишларда (олд, юқори ва орқа) бўғим бошчаси ва гленоид чуқурча (1-расмга қаранг) ўртасидаги бўшлиқни нотекис камайиши-бўғим ёриғининг торайиши. Ёриқ кенглиги 1,5 мм дан кичик бўлса торайган, 1,5 дан 4,0 мм гача бўлса меъёрий, 4,0 мм дан катта бўлган кенгайган деб ҳисобланади. Бу белги кўпинча бошқа ўзгаришлар билан бўғим бошчасининг яссиллашуви каби белгилар ёки масалан бўғим бошчасининг кўзикоринсимон деформацияси билан бирга кузатилади (2- расмга қаранг).



1-расм. 46 ёшли беморнинг ЧПЖБ сагитал кесмасининг МСКТ. ЧПЖБ остеоартрозида бўғим ёриғини торайиши. Бўғим ёриғининг кенглиги учта жойда олдинган, орқадан ва бўғим бошчасининг учи проекциясидан ўлчанади. ЧПЖБ бўғим ёриғининг патологик торайиши



2-расм. 60 ёшли бемор МСКТ. ЧПЖБнинг коронал кесмаси. Кўрсаткич ёрдамида бўғим ёриғини торайиши ва чап томондан пастки жағ бўғим бошчасининг кўзикаринсимон деформацияси кўрсатилган

Эрозия-бўғим юзасидаги кортикал суякни узилиши ёки мавжуд бўлмаслиги. Эрозив ўзгаришлар бўғим чуқурчасига нисбатан бўғим бошчаси проекциясида кўпроқ аниқланди (3 расмга қаранг). Тоғайни камайиши билан бирга бўғим чуқурчасининг эрозияси бўғим чуқурчасини чуқурлашишига олиб келади. ЧПЖБ артрозини давомийлиги ва намоён бўлишига боғлиқ холда бўғим бошчасини олд-орқа ўлчамлари аста секин катталашди ва бўғим бошчасининг баландлиги кичрайди.

Остеофитлар-бўғим чуқурчаси ва бўғим бошчасини четлари бўйлаб шаклланадиган суякнинг четки ўсимталари. Улар тоғайдаги дегенератив ўзгаришлар оқибатида ЧПЖБ да юкламанинг ортиқчалигига суякларнинг компенсатор реакцияси ҳисобига ҳосил бўлади.

Склероз- бўғим чуқурчаси проекциясида ёхуд бўғим бошчаси проекциясида субхондрал суякларнинг кортикал зичлигини ортиши. Бу тўқималарга таъсир этувчи патологик жараён бўлиб, зичлашган майдонларни ҳосил бўлиши билан намоён бўлади. Субхондрал склероз бўғим юзалари хажми ва майдонини ортиши ҳисобга, суяк тўқимаси зичлигини оширади.

Субхондрал кисталар- ўлчами 2 мм гача бўлган якка холда учровчи ёки кўп сондаги думалоқ субхондрал шикастланишлар бўлиб, улар склеротик чегараларга эга бўлади. Улар бўғим чуқурчасида ва пастки жағнинг бўғим бошчасида учраши мумкин.

КТдаги аксарият кузатишларда ЧПЖБ ОА турли белгилар яъни бўғим ёриғини торайиши суякнинг четки эрозиялари, остеофитлар, субхондрал

склероз ва бошқаларни бирга келиши билан намоён бўлди, буларнинг барчаси 4-расмда тақдим этилган




3-расм. 60 ёшли бемор МСКТ. ЧПЖБнинг коронал кесмаси. Кўрсаткич билан бўғим бошчасидаги эрозив ўзгаришлар ва чап томондан пастки жағнинг ЧПЖБ бўғим чуқурчаси кўрсатилган. Контралатерал ўнг бўғим ўзгармаган.



4-расм. Компьютер томограммада ЧПЖБ нин ўзгаришини КТда учраш сони.

5-расмда ЧПЖБ ОАнинг КТ турли белгиларини учраш сони чизма кўринишида тақдим этилган. Келтирилган диаграммадан кўриниб турибдики, энг кўп бўғим юзаларининг яссиласуви аниқланган бўлиб, у 124 нафар бўғимда (83%) қайд этилган. Бўғим ёриғини торайиши 97 (65%) бўғимда, эрозия 81 (54%) бўғимда, субхондриал склероз 61 (41%) бўғимда, остеофитлар 51 (34%), субхондриал кисталар 40 (27%) бўғимда аниқланди. Ўсимтасининг бошчасидаги ўзгаришлар бўғим чуқурчасидаги ўзгаришларга нисбатан кўпроқ қайд этилди.

КТ текшириш маълумотларига кўра ЧПЖБ ОА беморларида касалликнинг турли радиологик белгилари бирга келиши устунликка эга бўлди. Кўпинча 2-3 турли белгилар (бўғим ёриғини торайиши, эрозиялар, эичлашишлар) нинг бирга келиши кузатилди.



5-расм. ЧПЖБ ОАнинг КТ турли белгиларини учраш сони

Касалликнинг кечиккан босқичларида эрозия ва остеофитларни субхондрал склерозлар, кисталар ва бўғим бошчаси ва гленоид чуқурчасини емирилиши натижасида бўғим ёриғини сохта кенгайиши устунликка эга бўлди. 7 нафар бўғимда (4,6%) ОАнинг алоҳидалашган холдаги фақат битта белгиси аниқланди, 44 нафар бўғимда (29,3%) иккита радиологик белгиларнинг бирга келиши кузатилди, 38 нафар бўғимда (25,3%) учта белгини, 26 бўғимда (17,3%) тўртта белгини, 22 бўғимда (14,6%) бешта белгини, 11 нафар бўғимда (7,3%) олтита белгини бирга келиши қайд этилди. Бунда касаллик давомийлигини ортиб бориш даражаси бўйича ОАнинг радиологик белгиларини кўп сонли бирга келиши ва сонини ортишини аниқ тенденцияси аниқланди.

Диссертациянинг «**Чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозини компьютер томографиянинг ташхислаш натижалари**» деб номланган бешинчи бобида чакка-пастки жағ бўғими остеоартрозини магнит-резонанс томографияси хақида маълумотлари келтирилган. Магнит-резонанс томографияси ЧПЖБ остеоартрози билан оғриган 30 нафар беморда бажарилди. Текшириш натижалари кўрсатдики, 30 нафар бемордаги 60 нафар баҳоланган бўғимлардан 50 нафар (83,3%) бўғимнинг бошчалари ёки гленоид чуқурчасида ва бўғим дўмбоғида суяк ўзгаришлари қайд этилди. Бир томонлама шикастланишлар 10 нафар беморда (10 бўғим), икки томонлама шикастланишлар 20 нафар беморда (40 бўғим) қайд этилган бўлса, 10 бўғим артроз белгиларисиз бўлди.

Магнит-резонанс тасвирлардаги тоғай дискининг тузилмаси шунингдек худди кортикал суяк каби визуализациянинг барча кетма кетлигида сигналнинг мавжуд эмаслигини намойиш этади ва шунинг учун уларнинг қоронғи томонлари кўринади.

Суяк кўмиги эса аксинча таркибида ёғнинг юқори миқдорда сақлаганлиги сабабли визуализациянинг барча кетма кетликларида юқори жадалликни намойиш этади. Т1 муаллақ тасвирлардаги дискнинг паст сигналлари ва бўғимнинг синовиал қисмларининг юқори сигнали, шунингдек бўғим чуқурчасининг суяк қисмлари ўртасида контраст дифференциация мавжуд.

МРТ сканирлашда олинган тасвирлар ОА ташхис мезонларини қўллаш билан интерпретация қилинди, жумладан бунда суякдаги дегенератив ўзгаришларни мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги: бўғим юзаларининг зичлашиши ва склерози, остеофитлар ва субхондрал псевдокристалларни ҳосил бўлиши кўрилди. Бироқ муҳим қийматни бўғимнинг юмшоқ тўқима тузилмаларидаги ўзгаришлари тўғрисидаги МРТ маълумотлари ташкил этди.

Олд ёки орқа тасмани қалинлашиши, ретроdisk тўқимани узилиши, диск шаклининг ўзгаришлари, бўғимдаги суюқлик и каби остеоартроздаги ЧПЖБ юмшоқ тўқиманинг эрта дисфункция белгиларини аниқлашда МРТ энг самарали бўлиб ҳисобланди. ЧПЖБ тузилмасидаги суяк ва юмшоқ тўқима ўзгаришлари МРТда турли сонда кўринади. Энг кўп сондаги суяк ўзгаришлари бўлиб бўғим бошчасининг яссилашуви ва эрозиялар, юмшоқ тўқимадаги ўзгаришлар бўлиб эса – дегенерация ва дискни сурилиши ҳисобланади. Субхондрал кристалларда аниқланган энг кўп маълумот берувчи белгилар бўлиб Т2 муаллақ тасвирлар ҳисобланди. Т1 ва Т2 муаллақ тасвирларда МРТни ўтказилишида субхондрал кристаллар кўпинча гипоинтенсив сигналларга эга бўлди, бу уларни суюқлик билан эмас, балки гранулематоз субстрат билан тўлганлигини тушунтиради.

5-расмда ЧПЖБ ОА билан оғриган беморларда бўғимнинг суяк ва юмшоқ тўқима тузилмаларини МРТ усули билан аниқланиш сонини кўрсатувчи диаграмма тақдим этилган.


Келтирилган диаграммдан кўриниб турибдики, МРТ суратларда энг кўп бўғим юзаларини яссилашуви аниқланди, бу ҳолат 37 бўғимда-74%, эрозия 24 бўғимда (48%), диск дегенерацияси 25 (50%), субхондрал склероз 18 (36%), остеофитлар 17 (34%), дискнинг сурилиши 15 (30%), суяк кўмигини шишиги 10 (20%), чайнов мушакларини гипертрофияси 7 (14%), чайнов мушакларини қалинлашиши 7 (14%), субхондрал киста 7 (14%), бўғимларда синовит 4 (8%) қайд этилди.

ЧПЖБ ОА белгиларини аниқлашда рентгенография, КТ ва МРТ усулларининг **диагностик самардорлигини қиёсий баҳолаш.** Рентгенография ЧПЖБ даги ўзгаришларни кўриш учун биринчи навбатдаги усул бўлиб ҳисобланади ва чакка-пастки жағ бўғими патологияларини нурли ташхислашдаги асосий усул бўлиб қолади. Бунда ЧПЖБ касаллигини ташхислаш суякдаги ўзгаришларни аниқлашга асосланади, чунки рентгенография ундаги рентгенологик контрастнинг пастлиги сабабли юмшоқ тўқима тузилмаларини фарқлашга имкон бермайди.

Бизлар олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мультикесмали компьютер томографияси мультипланар реконструкцияни турли -аксиал, коронал, сагитал, қийшиқ юзалар бўйлаб тасвирларни олиш имконияти

сабабли ЧПЖБ ОА да рентгенографияга нисбатан суякдаги ўзгаришларни сезиларли даражада кўпроқ аниқлаш имконини беради. Рентгенография ва компьютер томографияси маълумотларини қиёсий баҳолаш шуни кўрсатдики, КТни рентгенография билан бирга қўллаш, бўғимдаги дегенератив ўзгаришларни намоён бўлиши ва оғирлигини баҳолаш билан бирга ЧПЖБ ОАни нурли ташхислаш имкониятини сезиларли даражада кенгайтиради. Иллюстрация учун рентген-КТ параллелларни келтирамиз (6 расмга қаранг).

Шундай қилиб, визуализациянинг ҳар бир ўрганилган усули – рентгенография, КТ ва МРТ, чакка-пастки жағ бўғимида остеоартроз учун махсус бўлган ўзгаришларни аниқлашга имкон беради. Шу билан боғлиқ ҳолда шуни аниқлаш лозимки, мазкур усуллар қайси даражада ўзаро рақобатлашади ёки бир-бирини тўлдиради. Шу мақсадда ЧПЖБ остеоартрозини ташхислашда текширишни нурли усулларини қўллаш, ташхислашдаги самарадорлигини қиёсий баҳолаш ўтказилди.



6-расм. 54 ёшли бемордан олинган тасвирлар. А) чап ЧПЖБнинг ёнбош проекция рентгени: бўғим юзаларини яссиллашуви, бўғим ёриқларини торайиши, бўғим бошчасининг олд юзаси бўйлаб остеофит. Б) худди шу бемор аёлдаги сагитал юза МСКТ: келтириб ўтилган рентгенологик ўзгаришларга қўшимча сифатида субхондрал кистани кўриш мумкин

ЧПЖБ ОАда рентгенографияни сезувчанлиги, махсуслиги ва ташхислашдаги аниқлигини баҳолаш учун рентгенография маълумотларини компьютер томография натижалари билан ўзаро қиёслаш ўтказилди, бу ЧПЖБдаги суяк ўзгаришларини аниқлашнинг олтин қоидаси бўлиб ҳисобланади. Қиёсий баҳолаш 86 нафар беморда ўтказилиб, уларда қуйидаги текширишлар олиб борилди: рентген ва КТ текширишлари бир ҳафтадан узоқ бўлмаган ораликда бажарилди. Таҳлил қилинган бўғимларнинг умумий сони -172.

